

## ШАРТНОМА № 4

(Махсулот-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

«05» январи 2022 йил

Фаргона ш.

«Ўзбеккўмир» АЖ «КО`MIR TA`MINOT`MЧЖ Фаргона вилоят филиали раҳбари С.Умаров бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низо асосида иш юритувчи иккинчи томондан

Ўзбекистон Республикаси  
Раҳбар А. Мажидов бундан буён «Харидор» деб юритилади, қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар. Ўзбс билан

### II. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1.

Т/Р №	Махсулотнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўм)	Суммаси (сўм)
1	<u>БР қўшиқ</u>	тонна	<u>20</u>	<u>300.30</u>	<u>6006000</u>
	<u>Жами</u>		<u>20</u>		<u>6006000</u>

Махсулотларнинг шартномавий умумий баҳоси  
(Олти миллион олти минг) сўм 00 тийин.

### III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» махсулот учун етказиб берилган махсулотнинг 30% микдорида олдиндан пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади, махсулотни қабул қилган пайтдан бошлаб 10 кун ичида қолган 70% тўловни амалга оширади.

3.2. Махсулотларни «Сотувчи» нинг туманларда жойлашган омборлардан «Харидор» га берилади.

3.3. Кўмир ёқилғиси «Харидор» томонидан «Сотувчи» нинг омборидан ўз маблағлари ҳисобидан ташиб кетилади.

3.4. Махсулотнинг нархи ва шартнома умумий қиймати махсулот юкланаётган кундаги нарх бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

### IV. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг махсулотни ушбу шартноманинг 9.3 бандида белгиланган давр охирига қадар етказиб беради.

### V. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилган махсулотнинг сифати ишлаб чиқарувчининг белгиланган стандартлари, мувофиқлик сертификати ва меъёрий хужжатлар асосида «Харидор»га етказилади.

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га махсулотни омборхоналардан сотиш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- «Сотувчи» етказиб бериладиган махсулотларни ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш, шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномавий талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, махсулотни белгиланган тартибда қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда ёзма равишда 1 кун ичида «Сотувчи»ни далолатнома расмийлаштирилиб огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида, шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда махсулотни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0,2% миқдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган махсулотлар қийматининг 50% дан ошмаслиги керак. Лекин, Ангрен кумир қонида табиий офат кучки ва бошқа кумирнинг казиб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар юзага келса, бу ҳақда «Харидор»га ёзма равишда кумир ёқилгиси етказиб бера олмаслиги маълум бўлган тақдирда «Сотувчи» пеня тўлашдан озод этилади ва «Харидор»томонидан ошқича тўланган маблағ унинг талабига асосан қайтарилади.

7.3. «Харидор» олинган махсулот учун махсулот етказиб берилган кундан бошлаб 60 кундан сўнг, кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,2% миқдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

## IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса ҳужжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил "05" декабрдан 2022 йил "31" декабргача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланганидан сўнг қонуний кучга қиради.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

### «СОТУВЧИ»

**“KO’MIR TA’MINOT” МСНҲ**  
Фаргона вилоят филиали

х/р: 2020 8000 1047 9441 6001

ТГРФ УзПСБ г.Ташкент

МФО 00424 ИНН 207016317

ОКПО: \_\_\_\_\_ ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Тел: \_\_\_\_\_

Адрес: ПТ0200, Ангрен ш. Истиклол 1 кўчаси

Рахбар: \_\_\_\_\_ С.Умаров

### «ХАРИДОР»

Ўзқурман тўқмош Рекармли  
Ҳабриш ш. 100 м кўча 46/4

Х.р. \_\_\_\_\_

МФО - 00014, ИНН 200194000

Ўзқурман тўқмош Рекармли

ОКОНХ \_\_\_\_\_

ШХР 10002286030221701204018002

ИНН 200194000

Рахбар \_\_\_\_\_

А. Мамедов

Хукукшунос хулосаси: Мен ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Ҳужалик юрпувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ҳар иккала тарафнинг ҳам давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, юридик шахс ҳисобланиб, ташкилот раҳбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга. Шартномада шартнома мазмуни, баҳоси, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда томонларнинг банк реквизитлари тўлиқ кўрсатилган бўлиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим.

Шунинг учун ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Хукукшунос \_\_\_\_\_ А.Азизов